

Транспорт

Юк ташиш. 2017 йил январь-июнь ойларида барча транспорт турлари томонидан 47,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,9 фоизга кўп. Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1 751,9 млн.тн. км.ни ташкил қилди ва 7,0 фоизга кўпайган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	47,9	104,9
шу жумладан:		
автомобил транспортида	44,7	106,5
Юк айланмаси, млн. тн-км	1 751,9	117,0
шу жумладан:		
автомобил транспортида	1 244,5	99,0

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан 104,2 фоизга ошди ва 963,6 млн. тн. км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 55,0 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнь ойларида 51,5 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-июнь ойларида барча транспорт турлари томонидан 356,1 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,7 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 5,7 фоизга кўпайиб 4 815,9 млн. йўловчи км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-июнь	2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	356,1	103,7
шу жумладан, автомобил транспортида	355,0	103,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи км.	4 815,9	105,7
шу жумладан, автомобил транспортида	4 704,6	104,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-июнь ҳолатига нисбатан 104,5 фоизга ошди ва 3 876,1 млн. йўловчи км.ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 80,5 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-июнь ойларида 81,4 фоиз).